*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 107 (8847). • 29 май, 1986 йил • ПАЙШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

## ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

### УМУМХАЛҚ ЁРДАМИ

Шу кунларда Ўзбекистондаги кўпгина меҳнат коллективларининг интилишлари Чернобилда юз берган фалокат оқибатларини тезроқ бартараф этиш, жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш юзасидан ёрдам фондига ўз ҳиссаларини қўшишга қарор бердилар. Бу ерда бегараз меҳнат вахтаси ўтказилиб, бир кунлик иш ҳақи — беш минг сўмдан кўп пул Чернобиль АЭСи зонасидан кўчирилган аҳолига жўнатилди. Тошкент электромеханика заводининг, республика пойтахти бошқа корхоналарининг меҳнатчилари ҳам шу мақсадда меҳнат қилдилар.

(ЎзТАГ).

### ПАРКЕНТ— ЧЕРНОБИЛГА

Паркент район матлубот жамияти ходимлари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва савдо оборотини ошириш юзасидан социалистик мусобақада актив иштирок этиб, биринчи квартал якуни бўйича «Центросоюз» кўчма Қизил байроғига ҳамда 5650 сўмлик пул мукофотига сазовор бўлдилар.

Яқинда мукофотни топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққан Ленин орденли сотувчи С. Маҳкамов, район матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари А. Абдумаликов ва бошқа ўртоқлар мукофот пулини Чернобилга ёрдам сифатида ўтказишни таклиф қилдилар. Бу таклиф қизғин қўллаб-қувватланди.

# ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

27 май куни М. С. Горбачев Ливия Араб Халқ Социалистик Жамахирияси революцион раҳбарлигининг аъзоси А. С. Желлуд билан учрашди.

А. С. Желлуд М. С. Горбачевга Ливия Араб Халқ Социалистик Жамахирияси раҳбари М. Каддафининг мактубини топширди.

Совет Иттифоқининг Ливия революцияси ҳаққоний ишини, Ливия раҳбарларининг шу революция ғалабаларини ҳар қандай ҳамлалардан қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарорини қўллаб-қувватлаш позицияси ўзгармас эканлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев билан А. С. Желлуд бутун диққат-эътиборни Ливияга қилинган қуролли босқиндан тинчликсевар, миллий озодлик кучлари учун, айниқса барча араб халқлари учун келиб чиқадиган хулосаларга қаратдилар.

* * *

Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан А. С. Желлуд ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Мудофаа министри С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитети секретари А. Ф. Добринин, шунингдек А. С. Желлудга ҳамроҳ бўлиб келган ливиялик расмий кишилар қатнашдилар.

Томонлар ҳар тарафлама ўзаро манфаатли, самарали алоқалар жўшқин ривожланиб бораётганини қайд этиб, шу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилаверишларини таъкидладилар.

АҚШ маъмуриятининг авантюрачиликдан иборат милитаристик сиёсати, унинг мустақил давлатларни ўз измига юритиш йўлидаги уринишлари натижасида жуда кескинлашиб кетган халқаро аҳволнинг актуал масалалари хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

А. С. Желлуд озодлик ва мустақиллик учун, Америка ҳарбийларининг суверен давлатларга нисбатан зўравонлик билан тазйиқ ўтказиш сиёсатига қарши курашаётган Ливия халқига маънавий-сиёсий ҳамда бошқа тарздаги мадад ва ёрдам бераётганлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

* * *

СССР ҳукумати Кремлда меҳмон шарафига зиёфат берди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Н. И. Рижков ва А. С. Желлуд ўртоқлар қисқача нутқ сўзладилар.

* * *

А. С. Желлуд В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

## А. Х. ҲАДДАМ СССРГА КЕЛДИ

Совет раҳбарларининг таклифига биноан Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, Сурия Араб Республикаси вице-президенти А. Х. Ҳаддам амалий визит билан 27 май куни Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).




## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• Ғўза парваришида ҳам суръат, ҳам сифат эътиборда бўлсин. • *Машина теримига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрайлик* • Далада ишлаётганлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берайлик.





□ **КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг Абдумўмин Турғунбоев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 96 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Ҳозирги кунларда бригадада ғўза парваришн авж олдириб юборилди. Суратларда: (ўнгдан) механизатор М. Мансуров; ғўзаларга ишлов бериш пайти.**

**А. Зуфаров** фотолари.

*• Машина теримига ҳозирдан тайёрланайлик*

## ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР

БРИГАДАМИЗДА ўтган йили ҳар гектар майдондан 38 центнердан ошириб, ҳосил олинган. Унинг асосий қисмини механик-ҳайдовчиларимиз Қаҳрамон Ҳамдамов ва Номоз Ҳолбоевлар териб беришган эди. Биз экишдан олдин ерларни яхшилаб текислаганлигимиз, ғўза парвариши даврида далаларни бегона ўтдан тоза ҳолда сақлаб, барг тўкишни вақтида ўтказганлигимиз, техникани пухта созлаб қўйганлигимиз туфайли яхши натижага эришдик.

КПССнинг XXVII съезди қарорларидан руҳланган бригадамиз деҳқонлари бу йил янги режаларни амалга оширмоқдалар. Айни пайтда 75 гектар майдонда пахта етиштирмоқдамиз. Давлатга 300 тонна пахта сотамиз. Тажрибадан маълумки, механизациядан унумли фойдаланмай туриб бундай маррани забт этиш қийин, албатта. Биз бу йил ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишни мўлжаллаяпмиз. Шунинг учун ҳам ҳозир ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилаяпти. Экинларга учинчи комплекс ишлов беришни тугатган механизаторларимиз ишнинг сифатига алоҳида эътибор беришмоқда. Ҳар бир культивация олдидан улар даладаги экиннинг ҳолатини, тупроқнинг қай даражада етилганлигини синчиклаб текшириб чиқадилар. Ана шунга қараб культиватор ишчи органларини ўрнатадилар.

Механик-ҳайдовчиларимиз Қ. Ҳамдамов ва Н. Холбоевлар кузги-қишки мавсумдаёқ ўз терим агрегатларини ремонтдан чиқариб қўйишган. Республика партия ва ҳукуматининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида 1986 йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлар ҳақида»ги қарорида биринчи августгача пахта териш машиналари, техникавий хизмат воситалари, трактор прицеплари, пахта ортиш механизмлари ремонтини тугаллаш, биринчи сентябргача эса кўрак узиш машиналари, кўрак чувиш механизмлари ва бошқа техника воситалари ремонтини тугаллаш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу қарорга асосан биз терим техникаси ремонтига оид тадбирлар ишлаб чиқдик: мавжуд барча машина ва механизмлар яна бир бор синовдан ўтказилади. Камчилик ва нуқсонлари аниқланса қисқа фурсатларда бартараф этилади. Шунингдек, терим бошлангунча тоштарозиларни тартибга келтирамиз, хирмонлар ва йўлларни тўғрилаб қўямиз.

**П. ТОШМУРОДОВ,**
**Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.**

## Хирмонингизга барака

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхознинг моҳир пиллакори Лаълихон Аширбоева ўн беш йилдан бери мунтазам ипак қурти боқиб, ҳар йили давлатга 100 килограммдан зиёд «кумуш тола» топшираётир.

Ўн биринчи беш йиллик давомида Лаълихон опанинг бир ўзи саккиз қути қурт боқиб, 566 килограмм хом ашё етиштирди.

Бу йил Л. Аширбоева 2,5 қути ипак қуртини парваришлаб, шундан 200 килограмм пилла топширишга сўз берган эди. Куни кеча у шу ҳусобдан қабул пунктига 140 килограмм маҳсулот келтирди.

Колхозда бу йил баргдан тежаб-тергаб фойдаланишда қатъий тартиб-интизом жорий этилди. Барг етказиб берувчи группалар тузилди. Уларга керакли машина-механизмлар, ишчи кучи ажратилди. Пиллакорлар озуқа ташвишини қилмасдан ўз ишлари билан машғул бўлдилар.

Ҳозир колхозда етиштирилган хом ашёни териб, давлатга топшириш қизғин паллага кирмоқда.

**С. ҚУРБОНҚУЛОВ.**

*• Ташвишли сигнал*

## Карамлар омборда туриб қолмоқда

**ЛЕНИН РАЙОН УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Октябрь» колхози меҳнаткашлари эртаги сабзавот маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир кунига давлатга 40—50 тонна сабзавот топширилмоқда. Жами сотилган маҳсулот 600 тоннадан ошди.

— Бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмаяпти, албатта,—дейди колхоз правлениесининг раиси Унар Ҳожиев. — Деҳқонларимиз баҳорда юз берган табиат инжиқликларини мардонавор енгдилар. Бироқ, ана шу машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосил савдо ташкилотларининг омборларида бир неча кунлаб туриб қолиб, харидорга вақтида етиб бормай, сифати бузилаётганига ачинасан, киши.

...Биз колхоз территориясида жойлашган Ленин район улгуржи-чакана савдо идорасининг иккинчи омборида бўлганимизда раиснинг гаплари ҳақ эканига тўла ишонч ҳосил қилдик. Дарвозалари ланг очиқ омборхоналар ва бостирмаларга карам жойланган яшиклар уйиб қўйилган. Маълум бўлишича, бу маҳсулотлар бир неча кундан буён «харидор»ни кутиб ётибди.

— Ахир, биз нима қилайлик, — деди омбор мудири вазифасини бажарувчи Ботир Султонов. — Карамни белгиланганидан кўп олвордик. Шартномадаги планимизни бажариб ҳам қўйдик. Магазинларимизда ҳам тиқилиб ётибди. Олишмаяпти. Ҳатто, Чирчиқ шаҳри савдо шаҳобчаларига ҳам чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз, бўлмаяпти. Шунинг учун ҳам омборимизда 20 майдан буён 55 тонна маҳсулот йиғилиб қолди.

Омбор мудири бироздан сўнг қўшиб қўйди:

— Ленин районн улгуржи-чакана савдо идораси раҳбарлари (директор ўринбосари Н. Саидов) бошқа шаҳарларга юбориш учун вагон ваъда қилишди. Тез кунларда йиғилиб қолган карамларни жўнатамиз.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, ана ўша ваъда қилинган вагонлар қачон келади? Яна неча кун йўл юриб, маҳсулотни харидорга етказади? Ахир, вақт ўтаяпти-ку?! Икки ўртада деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган ноз-неъматларнинг сифати бузилаяпти-ку?! Бу муаммони ким ҳал қилади?!

**Қ. ҒУЛОМОВ.**

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ— БАХТ-САОДАТ ГАРОВИ

### АЙНИ МУДДАО

КПСС Марказий Комитетининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини ўзим ҳам, коллективимиздаги бошқа кишилар ҳам зўр мамнуният билан кутиб олдик. Дарҳақиқат, бу айни вақтида чиқарилган жуда муҳим қарор бўлди. Зеро, қарорда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳалол, серунум меҳнатнинг обрў-эътиборини ошириш, социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга —меҳнатига яраша» деган асосий принципини оғишмай амалга ошириш вақти келди.

Чиндан ҳам ҳозирга келиб атрофимизда иш жойининг тайини йўқ, даромад манбаи мавҳум кишилар кўпайиб қолди. Уларнинг юриш-туриши, турмуш тарзига ҳар ойда анча-мунча ҳаражат кетади. Лекин улар буни қаерда ишлаб топишади — бу номаълум. Энг ёмони шундаки, атрофимиздаги бундай кишиларга ўзимиз бефарқ караймиз, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳам эътибор беришмайди ёки кўриб-кўрмасликка оладилар. Қарорда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари бундай кўринишларга қарши курашда кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши зарурлиги жуда тўғри таъкидланган.

**Евгения ГУБИНА,**
**Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

### ВИЖДОН АМРИ

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, виждонан қилинган ҳалол ва юқори сифатли меҳнат муносиб тақдирланиши, меҳнатни ташкил қилиш, нормалаш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Мен буни ўзимнинг мисолимда яққол ҳис қилиб турибман. Колхозда 13 йилдан буён сут соғувчи бўлиб ишлайман. Ҳар доим ҳалол меҳнат қилишга, зиммамга олган план ва мажбуриятларимни виждонан бажаришга ҳаракат қиламан. Кам бўлаётганим йўқ. Яхши натижаларга эришмоқдаман. Чорвадорлар ўртасида обрў-эътибор орттирдим.

Бу йил ҳам янги режалар асосида меҳнат қилмоқдаман. Бириктилган 16 сигирнинг ҳар биридан кунига 10 килограммдан сут соғиб олаяпман. Маҳсулотнинг ёғлилик даражаси ҳам дуруст бўлмоқда.

Кўпгина ҳамкасбларим ҳам ишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин, яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Айрим фермаларда сут соғувчилар меҳнатини ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш такомиллаштирилмаган. Моддий ва маънавий рағбатлантириш омилларидан тўла фойдаланилмайди. Шунинг учун ҳам бундай фермаларда сут соғувчилар ишга енгил-елпи муносабатда бўладилар.

Ҳар бир фермада ишда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш керак. Партиямиз биздан шуни талаб қилаяпти. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатгина инсонга шон-шараф келтиради. Буни унутмаслигимиз зарур.

**Л. ЛЮЦЕВИЧ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг сут соғувчиси.**

### ЁТ ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШ ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан танишар эканман совет турмуш тарзимизнинг бутун афзалликларини яна бир бор хаёлимдан ўтказдим, ҳар жиҳатдан одиллик ҳукмронлик қилаётган жамиятда яшаётганимиздан ғурурландим. Турмушимизнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» шиори бутун мамлакатимиз бўйлаб қатъий амал қилаётгани учун ҳалол меҳнат кишиси улуғланади, турли ғамхўрликлар билан қамраб олинади.

Аммо афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, орамизда ишламай тишлашни орзу қиладиган текинхўрлар учраб туради.

Жамиятимизга ёт бундай иллатга чалинган нопок шахсларга қарши кураш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг кескин кучайди. Талон-торож, чайқовчилик, порахўрлик, қўшиб ёзиш, ўғирлик касалига мубтало бўлганларнинг кирдикорлари фош этилиб, аёвсиз жазоланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг янги қароридан сўнг ярамас иллатга қарши кураш янада кучайиши табиий. Ҳозир маъмурий ва назорат органлари қарор моҳиятини чуқур ўрганиб, шу асосда иш юритиш режаларини тузмоқдалар. Бу ишда улар кенг жамоатчиликнинг кўмагига таянадилар.

**Б. УСМОНОВ,**
**область юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

# ОЛИМЛАРНИНГ УРУШГА ҚАРШИ АНЖУМАНИ

Ҳозир уруш ва тинчлик тўғрисидаги масала планетанинг бутун аҳолиси олдида жуда ўткир бўлиб турибди, чунки ер юзида тўпланган қурол-яроғлар ҳали ҳеч қачон шу қадар вайронгарчилик келтирувчи ва бутун инсониятга шу қадар таҳдид солувчи кучга эга бўлмаган эди. Ядровий аслаҳахоналардаги қурол-яроғлар солаётган хавф-хатарни олимлар айниқса равшан тасаввур этмоқдалар. Тинчлик ва урушнинг олдини олиш проблемаларига бағишлаб 27 май куни Москвада очилган Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчиларини инсоният дуч келган мураккаб ва хатарли вазиятни объектив равишда таҳлил этиб чиқишдан иборат астойдил истак, урушга қарши ҳаракатнинг илмий қаноатини мустаҳкамлашга бўлган қатъий ният бирлаштирган.

СССР Фанлар академиясининг раҳбарлари, чет эллик таниқли олимлар, халқаро илмий ташкилотларнинг вакиллари президиумга чиқадилар.

Конференцияни СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев очди. Бу йил — халқаро тинчлик йили деди у, — Совет Иттифоқининг катта тинчликсеварлик ташаббуслари ва ҳаракатлари билан нишонланди. КПСС XXVII съезди олға сурган ва сўнгра КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқларида ривожлантирилган кенг қамровли халқаро хавфсизлик программаси ядро қуроли ва бошқа ялпи қирғин воситалари 2000 йилгача батамом тугатилишини кўзда тутади.

СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров олимларнинг урушга қарши анжумани қатнашчилари ҳузурида кириш нутқи сўзлади.

Реал қуролсизланиш ва ялпи хавфсизликкина тинчликни сақлаб қолишнинг ишончли асоси бўлиши мумкин, деб таъкидлади у. Муттасил мураккаблаштириб борилаётган техника системалари ҳарбий устунликни ва ядро урушида ғалабани таъминлай олмайди, аммо улар стратегик барқарорликка путур етказмоқда, контроль қилиб бўлмайдиган ва муқаррар нохуш оқибатлар хавфини солаётган хатолар, носозликлар, нуқсонларнинг рўй бериш эҳтимолини оширмоқда. Инсоният тасодифга қарам бўлиб қолаолмайди, шу боисдан дунё узра пайдо бўлган хавф-хатарни бартараф этиш ва бартараф этганда ҳам тубдан бартараф этиш зарур.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин «XXI асргача ядросиз дунё учун» мавзуида доклад қилди. У конференция қатнашчиларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг саломини, самарали ишлашларини тилаб билдирган истакларини топширди.

Рейган маъмурияти амалга ошираётган «стратегик мудофаа ташаббуси» программаси тинчлик учун, ҳарбий стратегик мувозанатнинг барқарорлиги учун катта хавф солмоқда. Бу программа Американинг ўтмишдаги устунлигини тиклаш умидида «техника кетидан қувиш» навбатдаги телбалигининг яққол намунасидир.

А. Ф. Добринин КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан президент Р. Рейганнинг Женевадаги учрашуви якунларига тўхталиб, Совет Иттифоқи «Женева руҳи» конкрет аҳдномаларда мужассамланиши учун ўзига боғлиқ бўлган ишларни қилганлиги ва бундан буён ҳам шундай қилаберишини таъкидлади.

Янгича сиёсий тафаккур ташқи сиёсатда янги, сифат жиҳатидан бир мунча юксак даражадаги эпчилликни, ўз музокарадошлари билан оқилона муросасозликка тайёрликни назарда тутади. Афсуски, ғарбдаги, аввало Қўшма Штатлардаги кўпгина сиёсий раҳбарларга ана шундай тайёрлик жуда тез-тез етишмай туради. Ўз-ўзидан равшанки, одатдаги қарашлар ва концепциялардан воз кечиш учун маълум даражада дадиллик даркор. Аммо бундай дадиллик ҳозирдаёқ сиёсий реаллик бўлиб қолмоқда, чунки, дунёда янгича тафаккурни ўзининг ташқи сиёсий фаолиятига асос қилиб олган ёки шунга актив интилаётган кучлар мавжуд. Барча ядро портлатишларини ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйганлик ана шу янгича фикрлашнинг яққол намойишидир. Совет раҳбарлари яқинда бундай портлатишларни тўхтатиб туриш муддатини шу йилнинг 6 августигача яна бир марта узайтирдилар. Биз Америка давлат раҳбарларини ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олишга яна даъват этамиз.

Тафаккурдаги, уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувдаги революцион ўзгаришлар реалликка айланиши учун олимлар жуда кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Бунда барча фанларнинг вакиллари учун жуда катта ва ғоят муҳим фаолият майдони бор.

Аввало гап КПСС XXVII съезди кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини — жаҳоннинг барча районларини ҳам, шунингдек, барча соҳалар — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳаларни ҳам қамраб оладиган системани вужудга келтириш концепциясини олға сурганлиги муносабати билан совет фани ва илмий жамоатчилиги олдида пайдо бўлаётган йирик вазифалар тўғрисида бормоқда. Ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалар жами бир бўлиб, айтиш мумкинки, халқаро муносабатлар биносининг барча қаватларини ташкил этади.

Докладчи пировардида бундай деди: биз ядро уруши хавфига қарши курашда турли мамлакат олимларининг кейинги йилларда мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигига ғоят катта аҳамият бермоқдамиз. Олимлар ўз куч-ғайратларини кўпайтира бориб инсониятнинг омон қолиши, унинг бахт-саодати, унинг келажаги учун курашчиларнинг бундан буён ҳам олдинги сафида бораверишларига ишонамиз.

* * *

Сўнгра БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр ва ЮНЕСКО Бош директори А. М. М'Боунинг конференция қатнашчиларига махсус мактублари ўқиб эшиттирилди. Польша Фанлар академиясининг президенти Я. Костшевский конференция қатнашчиларини табриклади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет олимлари комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Е. П. Велихов комитет фаолияти ва келгусидаги ишлари тўғрисида ҳисобот берди.

Конференцияда секцияларнинг мажлислари бошланди. Космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш масалалари, ядро урушининг эҳтимол тутилган оқибатлари, қуролсизланишнинг энг муҳим проблемалари, цивилизацияни ривожлантиришнинг кенг миқёсдаги жиҳатлари муҳокама қилинмоқда.

(ТАСС).

